

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 18 июнь • №23 (1355)

Андижон вилояти

Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!

ИНСОНЛАРИ ҚАДР ВА ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ЮРТ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз ҳудудларида ўтказиб келинаётган “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида саломатлик акцияси Андижон вилоятида бўлиб ўтмоқда.

Маълумки, ушбу кенг доирадаги саломатлик акцияси аввал, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида самарали тарзда ўтказилди. Айни пайтда, мазкур нуфузли тadbир Андижон вилоятида давом этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу йирик акция ҳудудларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг ижро ҳолатини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган аҳолига юқори технологик замонавий тиббий ёрдам кўрсатилаётганлиги, бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг халқимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигидир.

Акция доирасида малакали тиббиёт ходимлари, жумладан, вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари, пойтахтдаги тиббиёт олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг етук мутахассислари фаол иштирок этмоқдалар. Шу билан бирга, маҳаллий тиббиёт ходимлари ҳам жараёнларда қатнашмоқдалар. “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида ўтаётган акция доирасида мутахассислар орасида инфекционист, эпидемиолог, терапевт, невропатолог, анестезиолог, болалар анестезиолог, реаниматолог, педиатр, онколог, дерматолог, оториноларинголог, акушер-гинеколог, уролог, хирург, офтальмолог, кардиолог, эндокринолог, травматолог, фтизиатр, пульмонолог, нейрохирург, нарколог, нефролог, аллерголог, гематолог каби ўз соҳасининг усталари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Текширувлар маҳаллабай кесимда ўт-

казилиб, ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахслар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланди. Акция давомида бир қанча мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Хусусан, эндопротезлаш, буйрак трансплантацияси каби энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари тиббий кўрсатмага қараб, вилоят ёки пойтахтмидаги энг нуфузли муассасаларида амалга оширилиши мўлжалланган. Жумладан, акция доирасида Андижон вилоят силга қарши кураш диспансерида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази профессори Пиримқул Назиров бошчилигида марказ мутахассислари ва маҳаллий шифокорлар иштирокида диспансерда даволанаётган 55 ёшли беморда орқа мия фаолияти ва умуртка поғонаси фаолиятини тиклаш мақсадида мураккаб юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Айтиш лозимки, операциядан аввал бемор кўкрак умурткаларидаги доимий оғриқ, оғриқларнинг тана ҳаракатлари вақтида кучайиши ҳамда иккала томон ковурагалар, бел ва оёқларга тарқалиши, оёқларда фалажлик ҳисобига юра олмасликдан азият чекаётган эди.

Вақтида амалга оширилган мазкур жарроҳлик операцияси натижасида бемор оёқларида сезгилар ва бармоқларда энгил ҳаракатлар пайдо бўлди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, беморнинг бир умр тўшакка миҳланиб, ногирон бўлиб қолишининг олди олинди.

Пиримқул НАЗИРОВ, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмоно-



логия илмий-амалий тиббиёт марказининг профессори:

– Мутахассис сифатида эътироф этмоқчиманки, “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остидаги нуфузли тadbир шу кунга қадар қанчадан-қанча оилаларга саломатлик бахш этди. Қолаверса, дардига даво излаб, нажот кутаётган беморларда мураккаб операция жараёнлари ўтказилди. Албатта, бу ерда Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати алоҳида ўринга эга бўлди. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган кўплаб аҳолига ушбу акция доирасида бепул тиббий хизмат кўрсатилди. Биз ҳам ўз йўналишимиз бўйича 8 нафар беморда мураккаб операция жараёнларини амалга оширдик. Бундан ташқари хонадонларда бўлдик. Даволашнига муҳтож бўлганлар билан суҳбат ўтказиб, керакли тавсия ва маслаҳатлар ва шунингдек, икки нафар беморга марказга йўлланма бердик. Ўйлайманки,

ўз вақтида самарали ўтаётган бундай саломатлик акцияси йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлиб боришига ишончим комил.

Салтанат ҚУРБОНОВА, Қўрғонтепа тумани фуқароси:

– Кейинги икки ой давомида юролмай, ҳассага таяниб қолдим. Оғриқлар бутун танамни зиркиратар эди. Гўёки, ҳаётдан умидим узилгандек, бу дардан халос бўлишга кўзим етмай қолди. Шифокорларга мурожаат қилганимда, пойтахтга боришимни тавсия қилишди. Афсуски, иқтисодий аҳволимиз етарли бўлмаганлиги сабабли, тақдиримга тан беришга мажбур бўлдим. Кечалари қилган нолаларим Оллоҳга етди-

ми, бахтимга вилоятимизда саломатлик акцияси бошланиб, ушбу акция доирасида ўтказилган мураккаб операциялар рўйхатига мени ҳам қўйишибди. Бажарилган амалиётдан муваффақиятли чиқдим. Дардларимга малҳам бўлган Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси травматология ва ортопедия кафедрасининг қўли энгил шифокорлари оғимни операция қилишиб, эндопротез ўрнатишди. Минг бор шукр ўзимни жуда яхши ҳис қиламан. Оилам бағрига юриб бориш ниятидаман.

Авалло, биз каби инсонлар саломатлигини ўйлаб, узоғимизни яқин қилаётган, иқтисодимизни тежаётган эътиборли ва ғамхўр Президентимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва маҳоратли шифокорларга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Ибодат СОАТОВА, журналист.

МАЪНАВИЯТ - КЎНГИЛ КЎЗГУСИДАН ТАРАЛАЁТГАН НУРЗИЁ

2-бет




НАЖОТ БАХШ ЭТИШ - БУ ОЛИЙ БАХТ

4-бет

Бу ҳақда:



ПОЙТАХТГА БОРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ЙЎҚ



ХОДЬБА ИЗ КУХНИ В СПАЛЬНЮ ТОЖЕ ПРОДЛЕВАЕТ ЖИЗНЬ; ИССЛЕДОВАНИЕ

7-бет



МАЪНАВИЯТ - КЎНГИЛ КЎЗГУСИДАН ТАРАЛАЁТГАН НУРЗИЁ

Маънавият кўнгил кўзгусидан таралган нур бўлиб, у инсон қалбида яширинган.

Башарият тарихи давомида илм-фанда соҳалар бўйича юксак технологиялар вужудга келди, инсон тафаккури тубдан ўзгарди, алоқа-мулоқот ва коммуникациянинг янги тизими шаклланди, информация олиш ва узатиш доираси кенгайиб, ахборот алмашиш тезлиги ниҳоятда жадаллашди.

Биз яшаётган мураккаб ахборотлар асрида инсоннинг маънавий-руҳий ҳолати масаласига келсак, ўз келажагини ўйлайдиган, аниқ фаҳмлайдиган ҳар бир инсон, ҳар қайси миллат, аввало, маънавиятга эътибор қаратиши шартлиги тарихий ҳақиқатдир. Чунки маънавиятли шахсни, миллатни, давлатни ҳеч қандай куч ва ҳеч ким енга олмайди, маънавият қарор топган жамият таъназулга юз тутмайди.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётининг қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб, жамиятга, инсонларга хизмат қилади. Шунинг учун жуда бой маънавий меросимизни – адабий-бадиий, илмий китобларимизни, санъат асарларимизни чуқур ўрганишимиз ўта зарур эҳтиёждир.

Маънавият инсондаги яратувчилик қудратидир, инсонда шу қудратни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришга муваффақ бўлинса, барча улғувор режаларни амалга ошириш учун қудратли имкон вужудга келади.

Яна шунинг алоҳида эътирофи этиш керакки, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, асрлар мобайнида ёш авлодга инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатларни ҳар томонлама чуқур сингдириб келган.

Биз ўтмиши ва буюк халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Имом Бухорий, Имом Термизий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар

раҳнамолигида барпо этилган мухташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин намуналари, маънавиятининг кўзгуси сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Маънавият тарғиботчиларининг зиммасидаги мақсад-вазифалар оддий ва ҳаётининг одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятимизда олижаноб фазилатлар устувор бўлишига эришишидир. Бу вазифани – маънавиятчилар зиммасидаги бурчни бажариш, тўла англаб етишларида “Беш муҳим ташаббус бўйича тадбирлар ўтказиш масалалари” мавзусида ўтказилаётган анжуманлар, учрашувлар, мулоқотларнинг алоҳида аҳамияти бор.

Биз қайси соҳада меҳнат қилмайлик юксак маънавиятга эга бўлишимиз, қалбимиз гўзал инсоний фазилатларга тўла бўлиши зарур ва шарт! Шундагина ҳаётимизда мазмун бўлади, ўзимиздан яхши ном ва юксак маънавият қолдирамиз ва бу билан келажак авлодга кенг имкониятлар яратган бўламиз.

Мен ишонаманки, ўзини ўзбекистонликман, шу ер менинг она ватаним - деб билган ҳар биримиз ана шу мақсад, эзгу ният билан егаллаган ёки егалаётган соҳамиз бўйича малакали мутахассис даражасида бел боғлаб меҳнат қилишни кўзлаб, умр кечиришга барча имкониятлар бор ва кам имкониятларни ўзимиз тўлақонли яратиш йўлидан боришга ҳар биримизнинг ҳаракатимиз, интилишимиз, кўзлаган мақсадимизнинг ижобий самарасини бериши мумкинлигининг асосий шартларидан бири эканлигини биз доимо ёдда тутмоғимиз ҳамда унга қатъий амал қилмоғимизни тақозо этади!

Маънавий янгиланиш ва давлат тилини ривожлантириш - учинчи ренессанс истиқболдир

Ҳозир жаҳонда бир миллат номи билан аталувчи, лекин турфа хил миллат, элат, халқ ва этник гуруҳлар вакиллари билан иборат аҳолига эга бўлган давлатларни жуда кўплаб санаш мумкин. Шулар жумласига аҳолиси, 120 га яқин миллат вакиллари билан ташкил топган Ўзбекистон ҳам киради. Табиийки, кўп миллатли давлатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш тарзи, тараққиёти ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади. Хўш, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар борасида маънавий-маданий умумийлик ҳамда ўзига хослик қандай ифодаланади ва нималарга асосланади, бу соҳада янгиланишнинг зарурати бор-

ми ўзи? Шу каби саволлар, албатта, кўпчиликни қизиқтиради. Турли хил миллат ва маданият, миллат ва маънавият – булар уйғун тушунчалардир. Маънавиятсиз миллат бўлмайди. Буни ҳар бир киши ҳис қилиши лозим. Энг муҳими, бу борада Ўзбекистон фуқароларида тўла имкониятлар бор.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда юздан ошиқ миллий-маданий марказлар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Улар Республика Байналмилал маданий маркази билан ҳамкорликда иш олиб борадилар ва ўз низомлари, дастурлари ҳамда иш режаларига эгадирлар. Бемалол айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу борада ўзига хос янгиланиш, сайқалланиш, миллий маданиятлар воситасида ягона Ватан атрофида жипслашиш, умумийлик ва хусусийликни яққол намोён этиш жараёни рўй бериши учинчи ренессанснинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида амал қилиши зарур ва у дунё халқлари ва давлатларининг тарихий тажрибасидан маълум.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий барқарорликка тўлақонли эришиш йўлидан бораётган давлат сифатида ўз навбатида маънавий янгиланишни ҳам тақозо этаётганлиги табиий ҳолдир. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг ўз миллий-маънавий қиёфаси бўлмас экан, унинг жаҳон ҳам-жамиятида ўрни ҳам бўлмайди.

Миллий маданиятнинг равнақи ва умумдавлат маданияти даражасига кўтарилишининг омилларидан бири - кишиларда биринчи навбатда Ватанга бўлган фидойиликни тарбиялаш ва уни бойитиш, шунингдек, умумдавлат тилини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ватанга фидойилик шу заминда яшовчи, шу тупроқда туғилиб вояга етган барча учун, у қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, баробардир. Киши қайси соҳада, қай кўламда Ватанга ўз фидойилигини намоён қилиши, Ватан ижтимоий тараққиётига қай даражада ҳисса қўшиши кўп жиҳатдан унинг қобилияти, кўникмаси, мафқураси, дунёқараши ва билим-у малакаси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бу борада барча миллатларда, айниқса, туб бўлмаган миллат вакилларида, уларнинг миллатидан қатъий назар, айниқса, ёшларда ватанпарварлик хиссини кучайтирувчи тарбия усулларидан фойдаланиш, масалан, кўп миллатли иш муассасаларида Ватанимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, имкониятлари ва келажакини акс эттирувчи ҳамда тараннум этувчи тадбирларни

ўтказиш ижобий самара бериши табиий. Бундан ташқари, энг асосийси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қафолатланган ва амалдаги мавжуд ҳақ-ҳуқуқлар: ҳар бир миллат кишиси ўзи қилаётган меҳнатининг самараси, бахтли келажакка ишонч, оиласида ҳукм сураётган хотиржамлик, бўш вақтини турмуш ташвишларидан холи ўтказиш, маънавий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имкониятларининг мавжудлиги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширувчи омиллардир. Бу, айниқса, ёшлар онгида миллий маънавиятга бўлган янгича ёндашишни, ҳурмат-эътиборни тарбиялашда ўта муҳимдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон фарзандларини миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда жаҳон талаблари даражасида маънавий тарбиялаш, жисмонан соғлом вояга етказиш маънавий янгиланишнинг муҳим қисмидир. Бу борада бугунги кунда тил ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилувчи шу ватан фуқароси сифатида давлат тилига бўлган ҳурмат эътибор ва муносабатни масъулият билан ривожлантириш, ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига ижодий ёндашган ҳолда янги, замонавий, жаҳон маданияти ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бу йўналишда халқ таълими, маданият ташкилотларига эмас, балки барча жамият аъзоларининг иштироки зарурдир. Лозим бўлса, жойларда шахсан ҳокимларнинг бевосита халқ билан маънавият ва маърифат тўғрисидаги суҳбатларини уюштириш, имконият даражасида телевидение, радио ва умуман, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқот ишларини янада кучайтирган ҳолда олиб бориш лозим. Бунда маҳаллий оммавий ахборот воситалари зиммасига раҳбариятнинг маънавий ва маърифий соҳада халқ билан бирга эканлигини намоён этувчи чиқишларининг ранг-баранглигини ошириш, унинг ҳақиқий ва ҳаётининг кўринишларини батафсил оммага етказиш вазифаси тушади. Бизнинг назаримизда, шаҳар, туман ҳокимлари ўрнатилган бўлсалар, маънавий янгиланишни ўзларидан бошласалар, кўзланган мақсадга янада муваффақиятли эришиш аниқ. Негаки, маъжозий маънода айтганда, “ўзи сузишни билмаган киши кемада ишлагани билан денгизчи бўлолмайди”.

Бугунги кунда маънавий янгиланиш муаммосининг долзарблиги яна шу билан белгиланадики, миллий маданиятлар даражасининг ёрқинроқ намоён бўлиши айни вақтда

миллатлараро маданиятлар уйғунлигининг ошиши, бир-бирини тўлдириши, бойитишига олиб келиши муқаррар ва зарурки бу инсоният тарихидан маълум.

Эътибор берилса, мамлакатимизда орадан ўттиз йил ўтган бўлсада, собиқ иттифок давригагина хос, ўткинчи, ясама бўлган “миллий маданият”нинг баъзи кўринишлари ҳали ҳамон ҳам мавжуд. Шубҳасиз, бу тамомила янгиланишга муҳтождир. Аммо минг йиллар оша қадрият сифатида миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилиб келган ва айни шу «муайян» миллатгагина хос маънавий йўналишлар борки, булар янгиланишни эмас, балки сайқалланишни, ижодий бойитишни, уйғунлаштиришига ўзига сингдира олиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг барчасига бир хил «янгилаштириш» муносабатида бўлиш тўғри бўлавермайди.

Бугунги кунда жамиятнинг маънавий янгиланиш объектларига конкрет ёндашиш лозим. Негаки, ҳар бир янгиланиш объекти у ёки бу маънода ўзига хос хусусиятларга эга. Бизнинг фикримизча, маънавий янгиланиш биринчи навбатда кутубхоналардан бошланса, (ҳолисона айтганда бу борада анчагина ишлар қилинган бўлсада) ҳозирги ёшларимиз тарбиясига кўп жиҳатдан қониқ фойда бўларди. Шунда ёшларимиз собиқ совет даврида битилган айрим сафсатабоз, «социалистик реализм» асосидаги асарлардан «заҳарланмас» эдилар. Бу ҳаракатни, аввало, мактаб ва олий ўқув юрлари дарсликларидан бошлаш лозимлигини мутахассисларимиз англаб етдилар. Лекин шунга қарамадан, ҳали-ҳанузгача ўқув муассасаларида (Муқова ўзгарган-у мазмун ўзгармаган, аксинча мактаб ўқувчисига ёш жиҳатидан мос келмайдиган жуда бачканалашиб кетган) айрим собиқ совет даври дарсликларини андозасидаги “янги” ўқув қўлланмаларидан фойдаланилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Китоб индивиднинг шахс сифатида шаклланишида дастлабки зарурий ҳамкорлардан бири ҳисобланади. У кишини доимий равишда умр бўйи маънавий бойитади. Шунинг учун ҳам маънавий янгиланиш жараёни кутубхоналарга эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Жаҳон интеллектуал жамоатчилиги ҳар бир давлатнинг халқаро микёсдаги маълумотларга бой бўлган, мамлакатнинг маънавий хазинаси ҳисобланган «миллий кутубхона»си қўламига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Тарихдан маълумки, кутуб-

Миллий маданиятимиз

МАЪНАВИЯТ - КЎНГИЛ КЎЗГУСИДАН
ТАРАЛАЁТГАН НУРЗИЁ

► (Давоми. Боши 2-бетда)

хоналарида китоб жамғармаси бойитилиб, китобхонларга эътибор кучайтирилган, шаброит яратилган давлатлар гуллаб-яшнаган ёки, аксинча, китоблари йўқ қилингани оқибатида халқ маънавий инқирозга юз тутган. Бу борада барчамиз учун маълум бўлган: ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқча бўлган кучлар ёвуз ниётларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар - деган иборалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Давлат тили тўғрисида ижтимоий тармоқларда турли хил фикрлар юрибди. Шулардан бири Ўзбекистонда Америкадан туриб, Ўзбекистонда тожик тилига иккинчи давлат тили мақомини бериш борасида ўзининг асосиз даввосини қилмоқда. Ёки рус тили бора-сида ҳам шундай деса бўлади.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, Давлатга номи берилган ерли миллат ва унинг миллий тили мавжуд. Бошқа қардош миллатларнинг ҳам миллий тилларининг бир бирига яқинлиги мавжуд. Кўпгина, аксарият давлат тили икки ёки уч тилли бўлган мамлакатларда тилларнинг яқинлик томонлари йўқ ва кўп тиллилик давлатда иш юритиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида амал қилиши тарихдан маълум. Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми ўз миллий тилларида гаплашсаларда бир бирларини бемалол тушуниш имкониятлари мавжуд ва давлат тили сонини оширишга ҳеч қандай асос йўқ.

Кўп давлат тиллиликни таклиф қилаётган “ташаббускорлар”нинг акасарияти она ватанидан маълум сабабларга биноан яшаш учун хорижга чиқиб кетган ватанфурушларнинг таклифларидир. Мисол учун Тожикистонлик жаноб...нинг Самарқанд давлат университетида ишлаб бўлган эга бўлган ва унинг иш фаолиятида ҳеч қандай тазийқларга сабаб бўлгучи ҳолатлар бўлмаган ва у бугунги кунда Америкадан туриб, Ўзбекистонда тожик тилини иккинчи давлат тили сифатидаги мақомга ўтказиш таклифини бериши бу бир бирига асрлар оша кадрдон бўлган тожик ва ўзбек миллатлари ўртасига нифоқ солиш йўлидаги мақсадли ҳаракат сифатидаги уриниш деб баҳоланади. Негаки, тожик миллатининг номи билан аталувчи дав-

лат бор ва у мамлакатда ҳам аҳолисининг қарийб ярмига яқини ўзбек миллатига мансуб аҳолидир.

Миллий маънавий-маданий йўналишдаги кадрларни янгилаш, ижодий ривожлантириш жараёни уни бошқа миллатларга кўр-кўрона, зўрлаб тиқиштириш йўли билан кечмаслиги лозим. Аксинча, маҳаллий халқ маданияти ва бошқа халқлар миллий маданиятларининг уйғунлашувига қаратилган ўзаро ҳурмат-эътиборни тарбияловчи ва юзага чиқарувчи тадбирларни ўтказиш, айтайлик, турли хил умумхалқ байрамлари, маросимлари, анъаналари, урф-одатларини татбиқ қилиш, маҳаллий халқ маънавий-маданий фаолиятининг кўпқирралигини намоён қилувчи воситаларни кўпроқ ва кенг миқёсда қўллаш, ўйлашмиқ, фақат ижобий натижалар беради. Бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришга доир тадбирлар: татарларнинг «Сабан тўйи», «Сайл», қозоқларнинг «Айтис», русларнинг «Масленница», яхудиеларнинг «Ханука», «Пурим», корейсларнинг «Овал-Дано», «Нансик» каби байрамлари, миллий тантаналарининг нишонланишига эътибор бериш миллий маданиятимизнинг ранг-баранглигини янада оширишда, жаҳонга танилишида ўзига хос омиллардан биридир.

Маънавий янгиланиш жараёнида маҳаллий халқ урф-одатлари, диний кадрларини ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш мақсадида турли кўргазмалар воситалари: китоблар, рангли журналлар, луғатлар, тантаналар ва маросимларни акс эттирувчи суратлар кўргазмаси, театрлаштирилган маросимлар каби тадбирлардан унумли фойдаланиш ҳам қатъанаман бериши мумкин. Шунингдек, миллий тўй, маросим ва тантаналарда бошқа миллат вакилларининг иштирокига кўпроқ эришиш яна бир хайрли ишлардан ҳисобланади.

Янгиланиш жараёнини барча миллат вакилларида, жумладан, туб бўлмаган аҳоли ўртасида ҳам миллий театр, кино ва спорт турларига, санъатга, маҳаллий-миллий фольклорга, миллий анъана ва урф-одатларга ҳавас уйғотиш, халқ театрлари, бадий ҳаваскорлик ишларини янада оммалаштириш ва умуман, маънавиятнинг ҳозирги замон хусусиятларини миллийлик билан қўшган ҳолда чуқурлаштириш орқали ҳам жонлантириш мумкин. Жиз-

зах вилояти Фориш туманида анъана тусини олган умумхалқ спорт сайли, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятларида ўтказилган ва у ерлардаги мавжуд аксарият миллат вакиллари иштирок этган тадбирларда, ёшлар ўртасида амалга оширилган кўшиқ-кўрик ва бошқа турли йўналишларда ўтказилган танловлар мисолида ҳам маънавий янгиланишнинг ўзига хос замонавий хусусиятларини яққол кўришимиз мумкин.

Юқорида айтилган мулоҳазалар учинчи ренессанс даври - маънавий янгиланиш, давлат тилини янада ривожлантириш жараёнининг омиллари, уни амалга ошириш йўллари хусусидаги бир қатра фикрлар, ҳолос. Шуни айтиш керакки, ўзбек халқи қаршисида ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий, давлат тили ва бошқа барча соҳаларда буюк келажак дарвозаси очик турибди. Мазкур жараёнда маънавий янгиланиш, давлат тилини ривожлантириш ҳам ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бошқа асосий йўналишлари қаторида ўзининг барқарор ва миллий хусусиятларини беқиёс намоён этиш имкониятига эгадир.

Бу борада соғлиқни сақлаш тизимида ҳам вазирликнинг асосий фаолияти инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан баравар равишда муайян ишлар амалга оширилгани ва давом эттирилаётганлиги эътиборга моликдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва фармонлари асосида 2021 йил 6 февралга қадар вазирлик аппарати унинг тасарруфидаги барча даражадаги тиббиёт таълими муассасалари ва филиалларида, техникум, коллежларда ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари аппарати ҳамда уларнинг қуйи бўлинмаларида Маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилди.

Шунинг асосида вазирлик тизими бўйича мавжуд тиббиёт ташкилот ва муассасаларида ҳар ойнинг 2 ва 4 ҳафталари жума кунига “Маърифат соати” ўтказилиши йўлга қўйилди ва мазкур тадбирнинг сифатли ва самарали ўтишини таъминлашга доимий равишда шахсан биринчи раҳбарларнинг масъуллиги белгиланди ва амалий ишлар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, вазирлик ҳамда тизимдаги тиббиёт муассасаларидаги мавжуд кутуб-

хоналарни янги китоблар билан тўлдириб бориш ишлари давом эттирилиши баробарида маънавият хоналари ва маънавият бурчакларини янгилаш ишлари амалга оширилиши ташкиллаштирилди.

Тизимдаги муассасаларда маънавий-маърифий ва давлат тилини ривожлантириш бўйича тайинланган масъулларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларга соҳа мутахассислари томонидан услубий-амалий ёрдам кўрсатиш ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, доимий фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, вазирлик тизими тиббиёт таълими ва даволаш-профилактика муассасалари ходимлари иштирокида “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловлари “Мустақиллик – буюк неъмат” мавзусида мустақиллик берган имкониятлар, эришилган ютуқ ва имтиёзлар тарғиботига бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар, вазирлик тизими тиббиёт таълими муассасалари талаба-ўқувчилари ўртасида “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” мавзусида иншолар танлови ўтказилди ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу ғояни кенг тарғиб қилиш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш бардавондир. Худудий тармоқларда Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни ижросини тўлиқ таъминлаш, расмий иш юритиш ҳужжатларининг давлат тилида бўлишига эришиш йўналишида вазирликнинг буйруқ ва кўрсатма хатлари чиқарилиб, бутун республика вилоятларидаги тиббиёт таълими ва даволаш профилактика муассасаларида уларнинг ижроси ўрганилди ҳамда тегишли услубий-амалий ёрдамлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, давлат тилида иш юритиш сифатини ошириш мақсадида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузурида-

ги Малака ошириш марказида ходимларнинг малакаларини оширишга босқичма-босқич сафарбар этиш ташкиллаштирилди ва бу йўналишдаги ишлар режа асосида давом эттирилиши белгиланган.

Тизимда давлат тилида иш юритишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тизимдаги барча ходимлар учун муассасаларга “Давлат тилида иш юритиш” китоби бепул тарқатилди.

Шунингдек, вазирликнинг давлат тилини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”да жорий йилнинг май ойига белгиланган тиббиёт ходимларининг соҳавий тил бойлигини ривожлантириш мақсадида 10000 сўздан ошик атамаларни ўз ичига олган “Тиббий атамалар изоҳли луғати” тайёрланди ва нашр этишга топширилди.

Бу борада айни пайтгача жойларда 520дан ошик бевожита Соғлом турмуш тарзига оид турли кўринишдаги тарғибот ишлари олиб борилди. Жами айни пайтгача жойларда 2311дан ошик маъруза, 450га яқин суҳбат, 263 дан ошик савол-жавоб кечалари ва давра суҳбатлари, 300 га яқин мартаба аҳоли билан учрашувлар, 170 дан ошик радиосуҳбат, 81та семинар, 800 дан ошик мавзуга оид слайдлар намоиш этилди.

Фикримизча соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳоли соғлигини муҳофаза қилишдек, асосий вазифаси билан баббаравар талаба ва ўқувчи ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий вазибаларнинг туб моҳиятини англайдиган ва уларни бажаришга тайёр ва қобил, юқори малакали мутахассислар ҳамда комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларда ўз-ўзини англашнинг ахлоқий асосларини, антикий фикрлашни, жамоани бошқариш малакаларини шакллантириш, уларни ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз шахсини камолга етказиш усулларини эгаллашга ёрдам беришдан иборатдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, умуман олганда айтиш мумкинки, мамлакатимиз келажак бўлган янги ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар сифатида вояга етиштиришга кўмаклашиш соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий таркибий қисмларидан бирини ташкил этади.

Ўрол АБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

● Қон – бу ҳаётдир!

ҚОН ТОПШИРГАН ДОНОР ИНСОН ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ

Тиббиёт ходимларининг фикрича, доимий равишда қон топшириш организмни ёшартирар экан. “Қон топширган одам инсульт ҳамда инфарктга чалинмайди!”.

Инсон организмда неча литр қон бўлади ва унинг қанчасини донор сифатида топшириш тавсия этилади? Маълумки, танамизда 4,5-5 литр қон бўлади. 500 мл.гача қон топшириш организм учун хавфсиз ҳисобланади. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-450 мл қон олинади. Албатта, вази катта одамларда бундан кўпроқ бўлади. Организм топширилган, яъни йўқотилган қоннинг суюқлик ҳажмини 1-2 суткада, гемоглабиндаги темир моддасини эса узоғи 2 ойда истеъмол қилинган маҳсулотлар ҳисобига тиклаб олади. Шунинг учун ҳам қон топшириш оралиғи 2 ойдан кам бўлмаслиги керак. Тиббиёт талаби бўйича инсон неча ёшгача қон топшириши мумкин? Қон донорлигини бутун дунёда 18, яъни етуқлик ёшдан топшириш белгиланган. Юқори ёш эса 60 ёш. Лекин баъзи давлатларда туғилиш кам бўлганлиги боис, юқори чегара олиб ташланган. Донорлик қонунларига асосан юртимизда ҳам агар ёши катта одам соғлом бўлса, врач назорати остида қон топшириши мумкин. Аммо биз иложи борича 60 ёшдан ошган кексалардан қон олмасликка ҳаракат қиламиз.

Чунки юртимизда ёшлар кўп, улар донорлик қилса, аҳолига бемалол етади.

Бу ўринда донордан олинган қоннинг сифатини қандай текшириш мумкин? деган савол туғилади. Ҳар бир инсон ўзида ирсий ёки сурункали касалликлар бор ёки йўқлигини яхши билади. Сурункали касалликлари бор одамлар донорлик қилолмайди. Марказимизга мурожаат қилган инсон энг аввало рўйхатхонадаги базадаги маълумотлар орқали текширилади. Касалликлар базасида рўйхати чикмаса, анкета тўлдиради. Анкетада берилган жавобларга қараб, врач кўригидан ўтганидан сўнг гемоглабин топширади. Гемоглабин кўрсаткичи эркаларда 128, аёлларда 120дан юқори бўлса қон олинади. Гемоглабин аниқланганидан кейин донорлар залига кириб, қон топширилади. Таҳлиллар учун 2 та пробержага қон олинади. Сўнг беморга қуйиладиган қоннинг яроқлилиги аниқланади. 2009 йилда юртимизда қон хизмати бўйича ислохотлар бошланди. Осиё тараққиёт банкнинг ҳомийлиги асосида вилоятлардаги қон марказлари таъмирланди. Ўша пайтда мамлакатимизда 100 мингга яқин донор бор эди. Ҳозирги пайтга келиб уларнинг сони 200 минг нафарга етган. Юртимизда ҳар доим ҳамма қон гуруҳларига талаб етарли. Статистика бўйича 1-ва 2- қон гуруҳи 30 фоиз бўлса, 3 қон гуруҳи улардан камроқ. 4- қон гуруҳи 6-7 фоизни ташкил қилади. Энг ноёб қонлар манфий қонлар ҳисобланади. Чунки бу гуруҳдаги инсонлар жуда кам. Қайси қон гуруҳидаги инсонлар кўпроқ касал бўлишини ҳеч ким билмайди. Манфий қон гуруҳидаги беморлар кўпайса, тақчиллик сезилиб қолади. Қонни захира қилиб бўлмайди, чунки уни сақлаш муддати бор. Бу шароитда, яъни қон зарур бўлган ҳолатда рўйхатда турадиган ноёб қон гуруҳига кирувчи донорлар ёрдамга келишади. Ўтган йили қутилмаганда карантин бошланди ва бу ҳаммаимизга муаммо туғдирди ва бизлар ҳам қийин аҳволга тушиб қолдик. Чунки биринчи навбатда ҳаракат ва мулоқот чекланди. Масофа сақланадиган бўлинди. Донорлар билан мулоқот қилишимиз қийин кечди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат билан чиқдик. Уларнинг ёрдами билан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ходимлари ҳукуматимиз топши-



риги билан график асосида марказимизга келиб, соғлиқлари текширилгач, қон топширишди. Шулар ҳисобига вақтинча захирано бойитдик.

Жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, тавсияномалар асосида волонтерлар ёрдамини ташкил этдик. Ижтимоий тармоқларда берилган эълонларимиз орқали беғараз ёрдам берувчи инсонлар сони кўпайди. Халқимизда ўзгаларга яхшилик қилиш хусусияти бор. Қондан тақчиллик бўлаётган экан, деб одамлар ёрдамга кела бошлашди. Шун-

дай қилиб биз бу муаммони ҳал қилдик.

14 июнь – Халқаро донорлар куни ҳисобланади. 2005 йилдан буён бу байрам сифатида нишонланиб келинади. Бу кун австриялик қон гуруҳини аниқлаган врач ҳамда олим Карл Ланштейнернинг туғилган куни муносабати билан белгиланган. Шу куни инсонларнинг донорликка бўлган беғараз ёрдамини кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади.

Юртимизда 2017 йилдан ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистон фахрий донори” кўкрак нишони таъсис этилди. 2015 йилдан буён шу нишон донорларга бериб келинади. Ҳар йили 26 нафар донорлар шу унвон билан тақдирланишади. Уларга 5 минимал маош ҳисобида маблағ берилади. Мен ушбу нишонни қонга муҳтож беморларга беғараз ёрдам берган инсонларга ҳурмат белгиси деб биламан. Чунки қон топширган одам камида 2 та инсоннинг ҳаётини сақлаб қолади.

Аълонур САИДОВ,

Республика қон қуйиш маркази директори.

НАЖОТ БАХШ ЭТИШ – БУ ОЛИЙ БАХТ

Қон организмдаги энг муҳим жараёнларда иштирок этади. Инсоннинг тана ҳужайраларига озиқ моддалар, айниқса, ҳаво билан тўйиниши мана шу мўъжизавий суюқлик билан амалга ошади.



Унинг ўрнини ҳеч қайси дори воситаси, препаратлар босавермайди. Турли ҳодисалар, организм касалланиши, эҳтиётсизлик оқибатидаги шикастланишлар туфайли қоннинг маълум қисми йўқолиб, бемор ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Ўшанда олийжаноб ва олийҳиммат кишилар ўзгалар жонига аро киритишади, яъни қонларидан беришади. Ана шу қонни олиш, сақлаш ва зарур чоғда беморларга тарқатиш вазибалари вилоят қон қуйиш маркази ходимларининг зиммасига юклатилган.

Аҳил жамоада 11 нафар врач ҳамда 24 нафар ўрта тибби-

ёт ходими хизмат қилади. Улар ишга ҳамиша катта масъулият билан ендашаётганлари туфайли кейинги пайтда юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

– 2020 йилда марказимизда донорлар қони ва унинг таркибий қисмини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш борасида фаол ҳаракат қилдик, дейди мамнуният билан марказ бош врач Зокиржон Ҳожимирзаев. – Шунинг учун муассасамиз аввалги 4-категориядан 3-категорияга ўтказилади. Бу катта ютуқ. Энди жамоамизнинг сафи янада кенгаймоқда. Қон жамғариш ҳамда таъминот миқдори ва сифатини тобора кўта-

риш ҳаракатидамиз. Амалда ойма-ой шунга эришаётимиз. «Наманган саховат» чилари ҳисобига донорларимиз муттасил кўпайиб бораётгани жуда-жуда қувонарли ҳамдир.

Биз марказда бўлганимизда ғоят хайрли тадбирнинг устидан чиқдик. «Адолат» либерал-демократик партияси томонидан 1 июндан «Беғараз донорлик» акцияси бошланди. Дастлаб куниёқ 20 киши ихтиёрий равишда қон топшириб кетишди. Ибратли тадбирни ой сўнгигача давом эттирилиши мўлжалланган. Шунингдек, вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳам донорлик ҳаракатининг пешқадамлари бўлишяпти.

Донорларнинг марказдаги йўли шартли равишда «Хайрли иш сари 7 қадам» дейилиши бежиз эмас. Ким ташриф буюрса биринчи қадами рўйхатхонадан бошланади. У ҳақдаги керакли маълумотлар билан ҳужжатлар тўлдирилади, кейин тиббий сўровнома. Бу иккинчи қадам саналади. Бармоқдан гемоглабин миқдорини аниқлаш мақсадида қон олиш учинчи қадам. Тўртинчиси шифокор қабули. Бешинчиси қон топширишга рухсат берилгандан сўнг келадиган суюқлик ўрнини босиш учун донорни иссиқ чой билан сийлаш. Олтинчиси қон бериш.



Еттинчи қадам-саховат якунлангач, донорнинг 10-15 дақиқа дам олиши ва энгил овқатланишидир. Энг муҳими, ана шу топширилган қон эртагача ёндан кейин кимнингдир ҳаётини сақлаб қолишда, кимнингдир соғайишини таъминлашга асқотади.

Эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётган донорлик бўлими мудири Азимжон Давронов, врачлар Илхомжон Тўланов, Адҳамжон Исабоев, лаборатория бўлими мудири Максуджон

Жўрабоев, ИФА таҳлили бўлими мутасаддиси Комила Раҳимжановаларнинг номларини бугун алоҳида тилга олиш керак. Чунки, ҳар бирлари зиммаларидаги вазибани ҳалол ва фаол бажариб келишмоқда.

Шифокорлар билан ёнма-ён ишловчи Марғуба Мирзамиддинова, Саида Тўхтабоева, Назокат Солиева, Гавҳар Қосимова сингари ҳамширалар ҳам доимо ўз ишларини аъло бажаришга интилишади.

Донорлар қонининг тантанали нишонланиши уларнинг кўнглида бежиз фахр туйғуларини уйғотади. Негаки, марказдаги врач ҳамшираларнинг ўз ишларини виждонан бажаришаётгани қон маҳсулоти беморларга сифатли етиб боришини доимий кафолатлайди.

Содиқ САЙХУН,
Наманган вилояти.

Юртимиз шифохоналарида

ПОЙТАХТГА БОРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ЙЎҚ

Андижонда йил бошдан бери 300 нафарга яқин беморда мураккаб юқори технологик операциялар ўтказилди

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш, саломатлигида муаммоси бор аҳоли қатламларининг даволаниш учун пойтахтга келиш эҳтиёжини йўқотиш мақсадида жойларда тиббий кўриклар ва даволаш муолажаларини ташкил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Андижон вилоятига йил бошдан бери 17 та Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 189 нафар малакали мутахассислари сафарбар қилинган бўлиб, улар томонидан 2 200 нафарга яқин фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Пойтахтлик етук мутахассислар вилоят даволаш-профилактика муассасалари ва шаҳар, туман тиббиёт бирлашмаларининг тиббиёт ходимлари учун 400 дан ортиқ маҳорат дарслари ўтказди. Эътиборли жиҳати, 300 нафарга яқин беморларда мураккаб юқори технологик жарроҳлик амалиётлари амалга оширилиши натижасида уларнинг операция учун пойтахтга келиш эҳтиёжи йўқолди. Жумладан,

академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари болаларда туғма ва катталарда орттирилган юрак нуқсонли ташхиси бўлган беморларда 35 та мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказди. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг етук мутахассислари 7 нафар беморларда бош миёя ўсмаларини олиш операциялари амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказидан шифокорлар вилоятнинг шаҳар ва туманларида 425 нафар кардиологик, ревматологик, гастроэнтерологик ва пульмонологик хасталиклари мавжуд оғир беморларни кўриқдан ўтказиб, керакли тавсиялар берди. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан малакали мутахассислар эса болаларда ва катталарда учрайдиган сурункали миелобластлейкоз ташхисли 35 нафар беморлар-

га керакли маслаҳатлар бериб, ушбу хасталикни даволашда муҳим бўлган дори воситаси билан уларни таъминлади. Шунингдек, гемофилия ташхиси бўлган беморларга ҳам керакли дорилар тарқатилди. 114 нафар бемор болаларнинг оналарига хаста фарзандини парвартириш бўйича маҳорат дарслари ўтказилгани ҳам аҳамиятга эга. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказидан вилоятга ташриф буюрган мутахассислар маҳаллий шифокорлар учун коронарография текшируви ва стентлаш амалиёти бўйича маҳорат дарсларини ўтказиб, вилоятда ушбу усуллар амалиётга жорий этилди. Андижонда 114 нафар беморда коронарография текшируви ўтказилди ва 98 нафар беморда стентлаш амалиёти амалга оширилди, 10 нафар беморга эса электрокардиостимулятор ўрнатилди. Андижонга Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказидан борган мутахассислар 156 нафар беморларни консултация қилиб, вилоят эндокринология диспансерда 4 нафар беморда мураккаб жарроҳлик операциясини ўтказ-



ди. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг етук шифокорлари чанок сон суяги кооксоатрози ташхисли беморларда эндопротезлаш амалиёти ўтказишмоқда. Шу кунга қадар 200 нафарга яқин беморларда эндопротезлаш амалга оширилди. Республика ихтисослаштирил-

ган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари саъй-ҳаракати билан вилоятдаги ушбу йўналишдаги диспансерда онкологик касалликларни даволашда янги усуллардан бўлган лапароскопик йўл билан мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қорин парда аъзолари ва қорин парда орти аъзоларидан биопсия олиш, бачадон экстрипацияси амалиёти, онкомаркёрларни аниқлаш усули ҳам йўлга қўйилиши натижасида беморларнинг пойтахтга ва бошқа вилоятларга боришига эҳтиёж қолмади.

Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

Имконият

ХИРУРГИК АНГИОНЕВРОЛОГИЯ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАРКАЗ
ИШ БОШЛАДИ

Ихтисослаштирилган тиббий хизматларни чекка ҳудудларга етказишга оид давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари асосида Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказининг Қорақалпоғистон филиали очилди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар — сурункали бош миёя қон айла-ниши етишмовчилиги касалликлари бўйича жойларда аҳолига юқори ма-

султациялар, маҳорат дарслари ва семинарларни, юқори технологик хирургик амалиётларни мунтазам амалга ошириш ҳисобланади.



лакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни ҳудудлар бўйича чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш ва ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, хасталикларнинг олдини олиш, касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усулларини жойларда амалиётга татбиқ этишдир. Шунингдек, касалликларни реабилитация қилиш чора-тадбирларини ўтказиш ва кучайтириш, марказнинг малакали мутахассислари томонидан сайёр кон-

султациялар, маҳорат дарслари ва семинарларни, юқори технологик хирургик амалиётларни мунтазам амалга ошириш ҳисобланади. Нукус шаҳридаги У. Холмуродов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази база-сида мазкур филиалнинг очилиш маросими бўлиб ўтиб, унда Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида меморандум имзоланди.

Очилиш маросими давомида меҳмонлар филиалда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг биринчи шифокори бўлган У. Холмуродов номидаги музей билан яқиндан танишдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.

Халқаро кўргазма

«МИЛЛАТНИНГ САЛОМАТЛИК
ЛИГАСИ» ДИПЛОМИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасига Таниқли россиялик шифокор, академик Лео Бокерия президентлик қилаётган «Миллатнинг саломатлик лигаси» дипломи топширилди.

Мазкур диплом яқинда пойтахтимизда «Соғлиқни сақлаш — ТИНЕ 2021» Халқаро кўргазмаси доирасида топширилди. Топшириш маросимида «Миллатнинг саломатлик лигаси» вице-президенти Николай Кононов Лео Бокерия номида Миллий палата раиси Ровшан Изамовга ҳамкорлик муносабатлари ва Ум-умроссия жамоатчилик ташкилоти фаолияти асосидан жой олган соғлом турмуш тарзи принципларини ривожлантиришда кўрсатган қўмаги учун миннатдорчилик билдирди. Мазкур ташкилот лойиҳалари тажрибаси бугунги Ўзбекистон учун қизик ва мамлакатимизда олиб борилаётган соғлом турмуш тарзи йўналишида амалга оширилаётган йўналишларга ҳамроҳдир. Хусусан, Тошкент кўргазмасида кенг миқёсдаги «Соғлом муниципалитет» Россия дастури тақдим этилган. Мазкур дастур 2015 йилдан амалга оширила бошлаган ва бугун Россия Федерациясининг 85 та ҳудудини, ва шунга мувофиқ 21 минг муниципалитетларини (ўзини-ўзи бошқариш органлари) қамраб олган. Николай



Кононов таъкидлаганидек, дастурнинг асосий вазифаси — бу миллат саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини олиб бориш шароитларини яратиш, муниципал даражада соғломлаштириш инфратузилмаларини яратишда, одамлар яшаш турмуш тарзи сифатини ошириш ва умрини узайтиришда кўмаклашишдир. Дастурнинг энг оммабоп йўналишлари-

дан бири «Юриб кетаётган одам» мусобақаси ва «ҳаётга 10 минг қадам» акциясидир. Мазкур ташаббуслар сўнги йилларда кенг қўллаб-қувватланыпти. «Газпром» компанияси томонидан ҳар хил ҳудудларда 157 та юришни севувчилар гуруҳлари тузилган. Бу одамларни ўз соғлигига бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Россиянинг «Миллатнинг саломатлик лигаси» билан ҳамкорлик ва мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи принципларини амалга оширишни давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси матбуот хизмати.

Проект

НОВОЕ ЗДАНИЕ РЕСПУБЛИКАНСКОГО ЦЕНТРА ОНКОЛОГИИ

Хоким Ташкента Джахонгир Артыкходжаев представил проект нового здания Республиканского медицинского центра онкологии и радиологии, которое расположится на 5,4 га неиспользуемой территории клиники Ташкентской медицинской академии. Кроме того, планируется объединить столичный и Ташкентский областной филиалы центра в единое учреждение. Президент Шавкат Мирзиёев ознакомился с презентацией проектов в сфере коммунального обслуживания и здравоохранения, сообщила пресс-служба главы государства.

Месяц назад президент посетил Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии и дал поручения по улучшению условий в медицинских учреждениях данного направления. 27 мая было принято постановление президента «О дальнейшем совершенствовании системы оказания населению гематологических и онкологических услуг».

Согласно этому документу, разработан проект строительства и оснащения новых корпусов для Республиканского медицинского центра онкологии и радиологии. Под новые сооружения выделено 5,4 га неиспользуемой территории клиники Ташкентской медицинской академии. При проектировании учтён передовой опыт зарубежных медицинских учреждений

(Республики Корея), говорится в сообщении.

Как ожидается, новый центр будет оснащён современным оборудованием для позитронно-эмиссионной томографии, радиоизотопного изучения, ПЦР-анализа, магнитно-резонансной томографии, ангиографии. Будут внедрены новые методики лечения, такие как иммунотерапия, таргетная терапия, облучение линейным ускорителем и стереотаксическая световая терапия, радиохирургия.

Как уточнил министр здравоохранения Абдухаким Хаджибаев, центр будет рассчитан на 450 мест и 100 койко-мест в дневном стационаре. По его словам, для лекарственного обеспечения больницы в сфере гематологии и онкологии дополнительно выделено 65 млрд

сумов.

«Пациенты, которые переведены в новое здание гематологии, будут на 100% обеспечены лекарствами со стороны государства.

В соответствии с поручением президента были изучены условия и качество лечения в онкологических больницах всех регионов. Выявлено, что население чаще всего обращается за онкологической помощью в Ташкентский городской

и Ташкентский областной филиалы республиканского центра. На их долю пришлось около 37% всех больных.

В связи с этим предложено объединить столичный и Ташкентский областной филиалы в единое учреждение. В результате квалифицированные специалисты и высокотехнологичное оборудование будут сконцентрированы в одном месте, улучшится качество лечения, отмечается в сообщении.

Также представлена информация о планах по подготовке врачей. Для этого разработан проект по расширению сотрудничества с Российским медицинским университетом имени Н. И. Пирогова. В рамках сотрудничества в следующие два года планируется отправлять узбекистанских студентов на учебу в Россию, а к 2023/2024 учебном году открыть в Ташкенте филиал этого вуза.

Gazeta.uz

Долзарб мавзу

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК СОҒЛИҒИМИЗ
ТАЯНЧИ, МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИДИР

Хозирги пайтда бутун дунёда ОИВ инфекцияси киб бормаган бирорга ҳам минтақа, давлат, шахар ёки кишлоклар қолмаганлиги, инфекция бутун дунёда, шу жумладан Республикамизда ҳам ўта долзарб муаммага айланиб бўлганлиги, жамият орасида ўз “статуси”ни - вирус билан зарарланган ёки йўқлигини билмасдан яшаётган шахслар мавжудлиги ва улар орқали ҳар қандай инсон зарарланиши мумкинлиги, ҳеч ким бундан қафолатланмаганлиги ҳар биримизни ўйлантириб қўйиши табиийдир.

ОИВ инфекциясига текширишдан ўтиш жуда осон. Ҳар бир инсон ўзи яшаётган кишлок врачлик пункти ёки поликлиникага бориб, аноним равишда, яъни ўзи ҳақидаги маълумотларсиз, бепул асосда қон намунасини топшириш орқали ўз статусини билиб олиши мумкин бўлсада, шунча қакирик, тушунтириш-тарғибот қилишлар билан-да, аҳолимизнинг катта қисмини текширувлар билан қамраб олишга эриша олмаёпмиз. Чунки, касалликни эрта аниқлаш ва уларни доимий диспансер назоратига олиш ўта муҳим профилактика бўлиб, шу йўл билан уларни доимий назоратга олиш ва улар орқали бошқаларга юқишнинг олдини олиш мумкин. Бутун дунёда касалликни эрта аниқлаш катта муаммо ҳисобланади, чунки касалликни аниқлаш мақсадида қон намунасини олиш учун аллбатта мижознинг розилигини олиш ва розилик варақасини тўлдириш зарур бўлади ва ҳамма ҳам бунга розилик беравермайди. Кўпчилик юртдошларимиз “мен ўзимга ишонаман, менга инфекция юкмайди”, - деган фикрдалар. Лекин, ўз статусини билиш учун текширириб кўриш ҳаёлига ҳам келмайдиган юртдошларимиз ҳар қандамда учрайди, кун давомида иш, ўқиш, дам олишда, давола-

ниш ва бошқа жараёнларда қанчадан-қанча таниш-нотаниш одамлар билан мулоқотда бўламиз. Ўз оиласига содиқ, соғлом турмуш тарзида яшаётган инсонлар текширилганда ОИВ инфекцияси қайд этилиб қолган жараёнларда вирусни қачон, қаерда, қай ҳолатда юктирганлигини ўзлари ҳам билмасдан, ҳайрон бўлиб, шок ҳолатига тушиб қолаётганлари ҳам учрамоқда. Бу эса албатта ўзи, оиласи учун катта фожера бўлиб, бир умр афсусланиб юрадилар.

Шу ўринда ОИВ га тестдан ўтишнинг аҳамияти тўғрисида эслатиб ўтмоқчимиз. Тестдан ўтиш одамни хавотирдан халос этади, ногоҳон касаллик аниқланса: турмуш ўртоғига касаллик юктирмаслик чораларини кўради, ҳомиладорлик кузатилса, болани ОИВ билан зарарланмасдан дунёга келтириш имкони яратилади. Шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб (тиш чўткаси, соқол олиш, маникюр ва педикюр асбобларини алоҳида тутиб) оила аъзоларини касаллик юқишдан сақлайди. Касалликнинг ривожланишини ва турли хил иккиламчи касалликларни олдини олиш мақсадида шифокор кўриги, маслаҳати ҳамда лаборатория текширувларидан ўтиб туради. ОИВ инфекцияси билан зарарланган шахслар-

нинг юқиш йўллари бўйича таҳлилига кўра 84-85 фоиз ҳолларда жинсий йўл билан юқаётганлиги ва инфекциянинг асосан хавфли гуруҳлар орасида тарқалиш даврдан ўтиб, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарқалиш даражаси йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. ОИВ инфекцияси қайд этилган шахсларнинг ёш кўрсаткичлари бўйича таҳлилига асосан, 69,2 фоиз ҳолатда 25-50 ёшли инсонлар орасида учраётганлиги маълум бўлди. Бу ёшдаги инсонлар ҳаёт кечириб, оиласини боқиб учун халқ хўжалигининг бирор бир соҳасида фаолият юритишиб, ўз меҳнатлари билан ватанимиз равнақига ҳиссаларини қўшиб келаётган, меҳнат қилиш ёшидаги инсонлар бўлиб, кўплаб бундай ватандошларимизнинг эрта нафақага чиқиб кетишлари ёки ҳаётдан эртароқ кетишлари натижасида иқтисодий ривожланишига, мамлакатимиз хавфсизлигига ҳам таъсир этиши мумкин.

Бундай кўрсаткичлар юқиш йўлидан келиб чиқиб, аҳолининг турли қатламлари айниқса ёшлар - мактаб, коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, маҳалла фуқаролари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, уюшмаган ёшлар ва ўсмирлар қатламлари, меҳнат мигрантлари, никоҳланувчилар ҳамда бошқа гуруҳлар ўртасида алоҳида давра суҳбатлари, учрашувлар, маърузалар ўтказиш, веб сайт, ижтимоий интернет тармоқлари, ишонч телефонлари орқали тарғибот қилиш, бу жараёнга оммавий ахборот воситаларини кенгроқ жалб этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бунинг учун эса ушбу инфекция алоқадор барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, улар фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай экан, ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари ва олдини олиш чораларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз ва ўйлаймизки ҳар биримиз ўз соғлиғимизни муҳофаза қилар эканмиз, бошқалар, айниқса турмуш ўртоғимиз, фарзандларимиз, яқинларимиз, маҳалладошларимиз соғлиқларини асрашимиз мумкинлигини тушуниб етганлигимизни англайди. ОИВ инфекцияси соғлом одамларга қон орқали, химояланмаган жинсий алоқалар орқали ҳамда ОИВ инфекцияси билан зарарланган онадан болага юқиши мумкин.

Касалликка чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш лозим?

ОИВ инфекциясидан ҳимоя қиладиган махсус омил-вакцина мавжуд эмас. Ундан ҳимояланишнинг асосий гарови - касалликнинг юқиш йўллари билан ҳамда ундан сақланиш чораларига умрбод риоя этиб яшашидир;

ташқи кўринишидан соғлом кўринган одам қонида ОИВ бў-

лиши мумкинлигини унутмаслик керак;

муоложа олаётганда бир марталик шприц, игна ва бошиқа инъекция асбобларини ва дори воситаларни тиббий ходимлардан олдингизда очишларини талаб қилинг;

тиббий муолажалар олаётгангизда зарарсизлантирилган тиббий асбобларнинг ишлатилишига аҳамият беринг. Агар тиббий асбобларнинг зарарсизлантирилганлигига шубҳангиз бўлса, яхшиси бу муолажадан воз кечинг;

тиш чўткаси, устара ва тирнок тозалаш ва олиш асбобларидан факат шахсий тарзда фойдаланишга одатланг. Улардан бошқаларнинг фойдаланишига йўл қўйманг;

татуаж, пирсинг, татуировка, маникюр ва педикюр каби косметик муолажалар гигиеник талабларга риоя этилмасдан амалга оширилса, ОИВни юқтириш хавфини юзага келтиришини унутманг;

оила қуришдан олдин албатта тиббий кўрикдан ўтинг. Соғлом никоҳ оила мустаҳкамлигининг гарови эканлигини унутманг. Танлаган умр йўлдошингизга вафодор бўлинг. Тасодиқий жинсий алоқалардан сақланг.

ОИВ инфекциясининг олдини олиш учун инсон кечираётган ҳаёт тарзига ва ўз саломатлигига масъуллигини ошириши лозим. Шунингдек, инфекциянинг юқиш йўллари ва олдини олиш бўйича керакли маълумотларга эга бўлиши ва бунинг баробарида касалликнинг талаб ва қоидаларга доимий риоя қилиши муҳимдир.

Роҳила ЮСУПОВА,
Ҳайитбой ЛАТИПОВ,
Тошкент вилояти ОИТСга
қарши курашиш маркази мутахассислари

Здоровый образ жизни

ХОДЬБА ИЗ КУХНИ В СПАЛЬНЮ ТОЖЕ ПРОДЛЕВАЕТ ЖИЗНЬ: ИССЛЕДОВАНИЕ

Чем больше шагов в день в течение дня проходит человек, тем выше у него шанс на долгую жизнь. Полезны как длительные, так и очень короткие переходы, подтвердило новое исследование, которое ученые из Университета Северной Каролины представили на конференции Американской кардиологической ассоциации.

В новой научной работе авторы проанализировали данные почти 17 тысяч женщин в возрасте старше 60 лет, которые участвовали в крупном исследовании женского здоровья (Women's Health Study). Они носили шагомеры, которые фиксировали количество шагов и паттерны их ходьбы, с 2011 по 2015 год. За женщинами наблюдали до конца 2019 года.

Ранее другие ученые на этой же группе женщин показали, что женщины, которые проходят 4400 шагов в день, живут существенно дольше, чем их сверстницы, которые проходят меньше. Дистанция более 7500 шагов в день не приносила дополнительной пользы участникам.

Действительно ли для сохранения здоровья нужно делать

10000 шагов в день?

С момента появления разнообразных устройств для отслеживания количества шагов, многие люди стали стремиться делать не менее 10000 шагов в день и волноваться, если этой цели не удается достигнуть.

Авторы нового исследования дополнили эти данные. Они отдельно подсчитали количество шагов, которые женщины делали во время разных паттернов ходьбы:

• ходьбы короткими, часто прерывающимися, периодами – преимущественно во время рутинных дел;

• длительных периодов непрерывной ходьбы, более 10 минут.

Оказалось, паттерн ходьбы «короткими перебежками» тоже полезен для здоровья. Чем

больше шагов делали женщины в таком режиме, тем дольше они жили, независимо от того, как много шагов они делали при более длительных переходах.

При коротких переходах польза для здоровья росла в зависимости от количества шагов. Она переставала увеличиваться после 4500 шагов, пройденных в рамках такого паттерна. Каждые 1000 шагов в день были связаны со снижением риска смерти за время исследования на 28%.

При непрерывных переходах с каждыми последующими 2000 шагов риск смерти сокращался на 32%.

Чем больше шагов мы проходим в день, тем ниже риск диабета и гипертонии

У участников исследования, которые делали наибольшее количество шагов в день, риск сахарного диабета был ниже на 43%, а гипертонии – на 31% по сравнению с теми, кто ходил меньше.

«Наши новые данные пока-



зывают, что польза ходьбы распространяется и на женщин, которые не ходят долго без перерывов», – прокомментировал

Кристофер Мур (Christopher C. Moore) из Университета Северной Каролины, ведущий автор исследования.


Авторы исследования указывают, что пожилым людям сложно выполнять программы упражнений. Поэтому многие из них могут счесть более удобным для себя просто начать больше ходить: делать больше работ по дому и в саду, парковаться дальше от места назначения и так далее.

Андрей УКРАИНСКИЙ, врач-терапевт.

Здоровье женщины

ИБУПРОФЕН И АСПИРИН ВО ВРЕМЯ БЕРЕМЕННОСТИ
МОГУТ ВЫЗВАТЬ ПОЧЕЧНЫЕ НАРУШЕНИЯ

Министерство здравоохранения Канады объявило о завершении проверки безопасности приема нестероидных противовоспалительных препаратов (НПВП) во время беременности. Эти популярные и доступные лекарства далеко не безобидны для будущих мам.



Прием таких препаратов, как аспирин, ибупрофен, напроксен, диклофенак и целекоксиб примерно с 20 недели беременности и позже может вызвать редкие, но серьезные проблемы с почками у будущего ребенка, говорится в заявлении канадского ведомства.

Все это способно привести к недостаточности околоплодных вод и возможным ослож-

нениям, таким как нарушение созревания легких и потеря подвижности суставов у новорожденного.

Органы здравоохранения ре-

особенно это касалось пациенток с недостаточным весом и тех, кто начал принимать эти лекарства вскоре после зачатия. Авторы исследования отметили, что НПВП блокируют синтез простагландинов, которые способствуют нормальной имплантации и укреплению эмбриона в матке.

Екатерина ЕВЧЕНКО, Medportal.ru.

комендовали беременным женщинам избегать приема НПВП с 20 до 28 недели беременности без согласования с лечащим врачом. В последнем триместре применять эти лекарства противопоказано. В случае, если женщине необходимы нестероидные препараты по медицинским показаниям, допускается назначение самой низкой дозировки с мониторингом околоплодных вод с помощью УЗИ.

Ранее американские ученые предупредили о том, что прием НПВП может быть небезопасным и на ранних сроках беременности. Исследование с участием более 1 тысячи будущих матерей подтвердило, что прием нестероидных препаратов в первом триместре повышал риск невынашивания беременности на 59%.

Актуальная тема

ЧЕМ ОТЛИЧАЮТСЯ
АНТИТЕЛА ПОСЛЕ ПРИВИВКИ
И ПОСЛЕ КОРОНАВИРУСА

Врач объяснил отличие антител после прививки и коронавируса

Антитела образуются в организме как после перенесенной коронавирусной инфекции, так и после вакцинации. Чем они отличаются и как взаимодействуют, рассказал в интервью радио Sputnik инфекционист и вакцинолог Евгений Тимаков.

Во время болезни, пояснил он, иммунная система стремится выработать антитела ко всем компонентам вируса, а вакцина действует более избирательно. Она формирует антитела к компонентам, от которых зависит агрессивность вирусной инфекции. Например, российский препарат "Спутник V" формирует защиту против S-белка, который помогает коронавирусу проникать в клетки нашего организма.

"Для коронавирусной инфекции значимым является S-белок. И вакцина формирует антитела непосредственно к определенному белку, к S-белку, чтобы коронавирус к нам не внедрился", – сказал Евгений Тимаков.

Врач отметил, что антитела, которые образуются в организме в результате болезни, не всегда являются эффективной защитой. Многое зависит от общего состояния иммунной системы человека и от того, насколько тяжело протекала болезнь.

"Если организм ослабленный, и если вирус обходит иммунные барьеры, то антитела формируются по неполноценному пути, их может образоваться много, но они не будут "качественными". После болезни хорошие антитела бывают тогда, когда человек переболел в среднетяжелой форме. При тяжелой форме болезни коронавирус как раз обходит иммунитет, даже не всегда формируются антитела", – уточнил Евгений Тимаков.

По его словам, антитела, которые образуются в организме в результате вакцинации, более эффективны. "При прививке иммунная защита формируется целенаправленно – начиная от выработки антител к определенному антигену и заканчивая формированием клеточной памяти", – пояснил Евгений Тимаков.

Он подчеркнул, что конфликта между антителами после перенесенного заболевания и антителами, образовавшимися при вакцинации, быть не может.

"Если после коронавирусной инфекции сделать прививку, ничего страшного не случится, иммунитет только усилится и будет целенаправленно защищать как раз от тех компонентов вируса, которые наиболее опасны для человека", – сказал Евгений Тимаков. Врач добавил, что если после перенесенной болезни образовалось большое количество антител и сформировался хороший иммунитет, то в течение полугода делать прививку не имеет смысла.

Ria.ru.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Республика ихтисослашган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори вазифасини вақтинча бажарувчи
Алишер СИДДИҚХОДЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Имконият ва рағбат

“ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ” ДАСТУРИ БЎЙИЧА
30 МИЛЛИОН СЎМДАН МАБЛАҒ БЕРИЛМОҚДА

Чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш узок йиллар соғлиқни сақлаш тизимининг энг оғриқли муаммоларидан бири бўлиб келган. Албатта, бунинг ўзига хос бир неча сабаблари мавжуд. Энг аввало, бу – соғлиқни сақлаш тизимидаги кадрлар етишмаслиги масаласи билан боғлиқ. Қолаверса, аксарият мутахассис ёки ёш кадр барча қулайлик ва шароитлар мавжуд бўлган жойни ташлаб, чекка ҳудудларда фаолиятини давом эттиришга ҳамиша ҳам қизиқиш билдирмайди. Бунинг учун эса уларга рағбат ва имтиёз тизими жорий этилиши лозим.

Соҳадаги ушбу муаммага зарур ечим топиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, 2021 йилдан юртимизда “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси” 7-бандида олиб ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун “Қишлоқ шифокори” дастурини самарали амалга оширишда 3 та босқич кўр-

сатиб ўтилган:

Биринчиси – шу йил 1 июнгача олиб ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, бўш шифокор иш ўринлари рўйхатини туриш ва талабгорларни ҳар бир маҳалла кесимида аниқлаш;

Иккинчиси – 2022 йил 1 августгача “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида талабгорлар билан шартномалар имзолаш, уларга уй-жой ажратиш ва тегишли маблағлар тўланишини таъминлаш;

Учинчиси – 2021 йил 1 октябр ва 2022 йил 1 январда “Қишлоқ шифокори” дастури ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги фармонида мувофиқ, чекка ҳудудларга бориб ишлайдиган тиббиёт ходимларига бир неча имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Ху-

сусан, чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул маблағи берилади, улар хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда юртимиздаги 243 та маҳалла фуқаролар йиғинлари олиб ва чекка ҳудуд сифатида белгиланган. Мазкур ҳудудларда Республика бўйича жами 86 та оилавий шифокорлик пункти ва 39 та оилавий поликлиника



ка ва уларда 149 та вакант штат мавжуд. Айниқса, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларининг олиб ҳудудларида малакали тиббиёт ходимларига эҳтиёж катта.

Эътиборлиси, “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилинганидан бошлаб, бугунги кунгача 41 нафар тиббиёт ходими 51 ставкага ишга қабул қилинди. Шу билан бирга, ҳозирча 16 нафар, яъни Навоий вилоятида – 7 нафар, Сурхондарё вилоятида – 3 нафар, Фарғона вилоятида – 4 нафар ва Хоразм вилоятида – 2 нафар тиббиёт ходимига 30 миллион сўмдан пул маблағи тўлаб берилди.

Умидилло РИСКИЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

Эҳтиёт бўлинг!

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР
СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИМИ?

Ёз кунларида шахримиз кўчалари бўйлаб айланар эканмиз, йўл ёқаларида ўрик шарбати, морс, квас, айрон яна аллақандай ранги нотабий сариқ тусдаги салқин ичимликлар сотилаётганини кўрамиз.



Кўчма савдо билан шуғулланувчи шахслар томонидан санитария-гигиена талабларига риоя қилинмай, қўлбола усулда тайёрланиб, сифат назоратсиз сотилаётган бундай ичимликларни истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун хавф туғдириши табиий. Хусусан, улар сотиладиган жойларда ҳам ҳеч қандай шароитлар яратилмаган,

ичимликлар қуйиб бериладиган идишлар тозаллиги ҳақида ку гапирмасамиз ҳам бўлади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, юқорида келтирилганларга ҳар бир фуқаро эътибор қаратиб, озик-овқат маҳсулотларини шароит яратилган ва белгиланган савдо нуқталаридан харид қилса, сифати кафолатланмаган ҳар қандай маҳсулот келтириб чиқарадиган салбий оқибатларнинг олдини олган бўламиз.

@sanepidxizmat

Иссиқ кунларда чанқовбосди ичимликларга эҳтиёж ортади албатта, лекин ўз соғлигини ўйлаган ҳар бир инсон хавфсизлиги ҳамда сифатини кафолатловчи ҳужжати бўлмаган маҳсулотни ҳеч қачон харид қилмайди.

Бундай ичимликларнинг эрталабдан кечгача қуёш тиғи остида туриши масаланинг иккинчи томони. Дўкон эшиклари тагида ҳам тахланиб, қуёшда қизиб ётган турли ичимликлар, ёғ маҳсулотларини кўрганда наҳотки дўкон эгалари, сотувчилар пластик идишлар қизиганда ўзидан заҳарли моддалар чиқаришни, бу моддалар асаб тизими, юрак қон-томир тизими, аллергия касалликлар, ҳаттоки саратонни келтириб чиқарувчи омил бўлиши мумкинлигини билишмаса.

Ёз-ўтмоқда соз

ҚУМ БИЛАН ЎЙНАШ

Ёз фаслида вақтимизнинг асосий қисмини фарзандларимиз билан кўчада сайр қилиб ўтказамиз. Кўчада болалар учун энг сеvimли жойлардан бири бу қум тўлдирилган майдончадир. Болалар у ерда завқ билан турли ўйинларни ўйнайди.



Болалар ўйнида қум билан ўйнаш бежизга оммабоб бўлмаган. Унинг терапевтик самараси XX асрнинг 20-йилларидаёқ аниқланган. Қумни психотерапияда қўллашга Карл Густав Юнг асос солган. 50-йиллардан бошлаб қум терапияси мустақил йўналишга айланди ва болалар психоанализи, оилавий терапия ва арт-терапияда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Қумдаги машқлар қуйидаги вазиятларда ёрдам бериши мумкин:

- болалардаги қўрқув билан боғлиқ ҳолатларда;
- асаб тизимининг қўзғалишини бартараф этиш ва хавотирланиш ҳамда ваҳимага тушишининг олдини олиш;
- тасаввур оламини ривожлантириш;
- ҳис этиш, сезги ва ҳаракат координациясини ривожлантириш.

Қумдаги ўйинлар:

Қумни бармоқлар билан ушлаб кўриш ва уни қафтлар орасида ишқалаш. Бола қумнинг хусусиятларини қанчалик қизиқиш билан ўрганаётганлигига аҳамият беринг. Баъзи оналар болага қумга қўли билан тегинишга руҳсат бермайди. Бироқ болалар бежизга қумни қовлаб ўтиришни ёки унга кўмилиб ўтиришни ҳуш кўрмайди. Бу уларга психофизик кескинликнинг олдини олишга ёрдам беради ва организмни бўшаштиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 796 нусха.
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.